



ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХАТЛАР

Абдулхаев Абдулхамид Абдумуталович

ИИВ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси

ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7478857>

ARTICLE INFO

Received: 13th December 2022

Accepted: 21th December 2022

Online: 23th December 2022

KEY WORDS

Тезкор қидирув фаолияти, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунийлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Юртимизда тезкор қидирув фаолиятида амалга оширилган ислохатлар ва соҳада олиб борилаётган ишлар ҳамда ушбу соҳада илмий фаолият олиб бораётган олимлар фикри ўрганилиб муаллиф томонидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳамоя қилинаётган биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" - дея таъкидлаган эди. Шу мақсадда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади¹. Шу ўринда, Э.Х. Норбўтаев таъкидлаганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш,

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда².

Бугунги кунда тезкор қидирув фаолиятини такомиллаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Булар қуйидагилар:

¹ Султанов М. М. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштириш давр талаби //E Conference Zone. – 2022. – С. 30-32.

² Норбўтаев Э.Х. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.



биринчидан, Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 25 декабрда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон Қонуни қабул қилиниб, юртимизда илк бора ушбу фаолият қонуний кафолатланди;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони билан Ички ишлар органлари жиноят қидирув, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари фаолиятини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш қўйидагича кўзда тутилди:

– жиноятларни тез ва тўлиқ аниқлаш, очиш, қидирув ишларини амалга оширишни таъминлашнинг самарали тизимини яратиш;

– барча даражалардаги бўлинмаларнинг вазибалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, тезкор ходимларга хос бўлмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймаслик.

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони билан, Ички ишлар вазирилиги

тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти ташкил этилди.

Шу ўринда бугунги кунда тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш борасида юқоридаги ишлар амалга оширилишидан ташқари ҳуқуқшунос олимлар ва соҳада фаолият олиб бораётган ходимлар ушбу соҳани ривожлантириш борасида қўйидаги фикр мулоҳазаларни билдиради. Жумладан, Х. Набиев фикрича, Тезкор-қидирув фаолияти давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатида жиноятчиликка қарши курашишнинг давлат-ҳуқуқий турларидан бири ҳисобланади ва унга юклатилган вазибаларни самарали ҳал этиш борасида махсус кучлар, воситалар ҳамда тезкор-қидирув тадбирларига эга эканлигини эътироф этиш лозим³ деб билса Р.Т. Махсудов эса, жиноятчиликка қарши курашишда фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг уйғунлиги билан ижобий натижага эришиш мумкин. Яъни жиноят содир этаётган шахсларнинг яширин, ниқобланган ва уюшган ҳаракатларига нисбатан шунга мос бўлган махсус чораларни қарши қўйиш орқали

³ Набиев Х. М. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.



жиной қилмишларнинг ўз вақтида олдини олиш, бартараф этиш ва фoш этиш имкониятини яратиш лозим бўлади⁴ деб фикр юритади.

Бундан ташқари, Ш. Пулатов назарида, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти кўпинча параллел амалга оширилади, шу сабабли айнан лозим даражада ташкил этилган ўзаро алоқа жиноятларни фoш қилиш ишида терговчи ва тезкор ходимлар ҳаракатларининг келишилганлигини таъминлайди⁵

Г.А. Мирсалихова бу борада ўз фикрлари қизиқиш уйғотади. Унинг фикрича, Тезкор қидирув фаолиятида амалга оширилган ишлар яъни ислоҳотлар ушбу фаолият ривожига қандай фойда келтиради деган савол туғилади. Ушбу саволга Г.А. Мирсалихова қуйидагича жавоб беради. Жумладан бугунни кунда тезкор қидирув фаолиятидаги ислоҳотлардан мақсад қуйидагилар муаммо камчиликларни бартараф этишдир.

Булар қуйидагилар намоён бўлади: биринчидан, тезкор қидирув фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларда жиноятни ошиши сабабли ушбу ҳудудларни ривожланиш қизил ҳудудларини камайтириб яшил ҳудудларни кўпайтириш эвазига

жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиш; иккинчидан, айрим тезкор қидирув фаолиятини амалга оширибчи органларга юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш; учинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш; тўртинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттириш; бешинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари ва ушбу фаолият раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларининг ички шаклини ҳам юритишни жорий этиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувини амалга оширишда ҳамкорликни кучайтириш борасида қўшма қарорлар ишлаб чиқиш ва идоравий ва идоралараро ўзаро

⁴ Махсудов Р. Т. Тезкор қидирув тадбирларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги аҳамияти ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар //ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 216-219.

⁵ Пулатов Ш. Тергов ва тезкор-қидирув органлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш масалалари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 7/8. – С. 48-53.



ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари яратиш; олтинчидан, тезкор қидирув фаолиятини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва ходимларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда ички ишлар органлари ролини ошириш; еттинчидан, тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бериш, шунингдек, тезкор қидирув фаолияти бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўладиган омилларга барҳам бериш; саккизинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари томонидан жиноятларни олдини олиш уни барвақт фoш этиш етарли даражада тизим ташкил этиш; тўққизинчидан, ИИОлари соҳалар аро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошбошдоқликка йўл қўймаслик ҳамда бошқа ҲМҚО органларининг тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи соҳалари билан ҳамкорликни янада такомиллаштиришдир⁶.

Юқоридаги амалга оширилаётган исоҳотлар ва ҳуқуқшунослар ва соҳа олимларини фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, тезкор қидирув

⁶ Мирсалихова Г.А. ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қўйидаги таклифларни беришни жоиз топдик. Булар қўйидагилар:

биринчиси, тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш борасида А.А.Таштемиров ва С.А. Калауов тақидлаганидек, қидирув эълон қилинган шахслар ва транспорт воситаларини танишнинг электрон тизимини тезкор ташкил қилиш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий этиш⁷ зарур.

иккинчиси, тезкор қидирув фаолиятини ислоҳ қилишда Ш.Х. Қушбоқов тақидлаганидек, ҳоқимият ёки бошқа ваколатлар билан таъминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари⁸ белгиланган қонунчиликни замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуд⁹;

учинчиси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шахслар дахлсизлигини таъминлаш борасида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини расмийлаштиришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар орқали фуқаролар ва кенг жамоатчилик орасида юзага

⁷ Таштемиров А.А., Калауов С.А. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

⁸ Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

⁹ Мирсалихова Г. А. ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.



келаётган ишончсизликни бартараф этиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига путур етказмаслик, жиноятчиликка курашишда тезкор-қидирув фаолиятини одиллик ва инсонпарварлик принциплари билан ташкил этиш мақсадида, тезкор-қидирув ходимларини мунтазам равишда ўқув-семинар машғулотида ўтказиш орқали, соҳада ўзгаришлар, хориж тажрибалари, жиноятчиликнинг янги кўринишлари, тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш борасида

малака ва кўникмаларини ошириб бориш зарур.

тўтинчиси, тезкор-қидирув ишларини юритишнинг электрон шаклига ўтиш, яъни, тезкор қидирув ишларини қоғоз шакли билан бирга электрон шаклини ҳам юритишни жорий этиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувини амалга оширишда ҳамкорликни кучайтириш борасида кўшма қарорлар ишлаб чиқиш лозим.

References:

1. Султанов М.М. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштириш давр талаби //E Conference Zone. – 2022. – С. 30-32.
2. Норбутаев Э.Х. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ //BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.
3. Набиев Х.М. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.
4. Махсудов Р.Т. Тезкор қидирув тадбирларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги ахамияти ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар //ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 216-219.
5. Пулатов Ш. Тергов ва тезкор-қидирув органлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш масалалари //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 7/S. – С. 48-53.
6. Мирсалихова Г.А. ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.
7. Таштемиров А.А., Калауов С. А. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ //BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
8. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
9. Мирсалихова Г.А. ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.